



“Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси манбасига кўра, 2015 йилнинг январ ва феврал ойларида Ўзбекистонда маиший газ сизиб чиқиши бўйича 19 та ҳолат қайд қилинган, бу 31 кишининг ўлимига ва 23 кишининг турли даражадаги жароҳатлар олишига сабаб бўлган.

Маълумотларга кўра, 2014-йилда республика бўйича 37 маротаба маиший газ сизиб чиқиш ҳолатлари қайд этилган, натижада 55 киши вафот этган, 83 киши жароҳатланган.

Бу каби статистика маълумотларда, газ сизиб чиқиши ўз вақтида аниқланганлиги натижасида турли даражадаги



2015 ЙИЛ ҚИШИДА МАИШИЙ ГАЗ СИЗИБ ЧИҚИШИ НАТИЖАСИДА 30 ДАН ОРТИҚ ОДАМ ЖАБР КЎРГАН

захарланишлар билан кутилиб қолган вазиятлар, албатта ҳисобга олинмайди. Ваҳоланки, бундай ҳолатлар шубҳасиз “Ўзтрансгаз” маълумотларида кўрсатилгандан кўра кўпроқ содир бўлади. Баъзан одамлар газдан нафас олаётганликларини дарров пайқашмайди, қолаверса ҳар доим ҳам у ёки бу дармонсизликнинг газ сизиб чиқиши натижаси эканлигини ишонч билан тасдиқлай олишмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданок, бутун вилоятлардаги аҳоли, охириги пайтларда эса, йилнинг совуқ кунларида пойтахт аҳолиси ҳам газ тақчиллигини бошдан кечирмоқда. Уйларни иситиш мақсадида, одамлар кун давомида газ печкаларини ёқилган ҳолда қолдиришмоқда, бундан ташқари қўлбола газ печларини ишлатиб, занглаган ва аллақачон алмаштирилиши лозим бўлган

газ қувурларидан паст босимдаги ёқилгини тортиш учун ҳар хил хавфли ускуналардан фойдаланиб келишмоқда.

Буларнинг барчаси ер остидан ўтказилган газ қувурларидан газ сизиб чиқиши натижасида, хонадонларда ҳавонинг газ билан захарланиш ҳолатлари ортишига ёки аҳолига газ етказиб беришда узилишлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

ЎХХ ахборот бўлими

Кўприк қулаган, у бут бўлгунча қишлоқ аҳолисига қанот керак....

Қашқадарё вилояти, Косон туманининг “Лойқасой” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларда, шунингдек, “Бодохшон” маҳалла фуқаролар йиғинида 10.000 (ўн минг)га яқин аҳоли истиқомат қилади. Гап шундаки, маҳалла фуқароларини ҳаёт билан боғловчи “Қорасув” кўпригининг қулаши натижасида ўнг минг нафар аҳолининг, жумладан, мактабга қатновчи ўқувчиларнинг, айтиш мумкинки, атрофдаги олам билан алоқаси деярли узилиб қолди. Одамлар кўприк қулагандан буён шаҳар ва туманга минг бир машаққат ила катнамоқда.

Ажабланарлиси шундаки, Қамаш туманидаги 4 К-298-“Шўрчи-Қамаш-Хонтушди” автомобиль йўлининг ПК-7 даги кўприк устидаги плиталарнинг бир томони кеча, ёки

бугун пастга қулаб тушган эмас. Эътибор беринг, мазкур кўприк 2012 йилнинг апрел ойида яроқсиз аҳволга келган. Мана, уч йилдирки кўприкдан фойдаланиш кишилар ҳаётига катта хатар солмоқда. Шу сабаб ҳам мазкур кўприкда автомашиналар қатнови ҳам тўхтатилган. Табиий офат оқибатида, яъни “Қорасув” кўпригини кучли сел ювиб кетганлиги туфайли у аҳоли эҳтиёжларини қондиришга жавоб бера олмай қолди. Натижада аҳоли Республика Йўл жамғармасига, “Қашқадарё автойўл” ХЙФТ раҳбари М. Ҳақимов номига кўприкдан фойдаланиш имкониятини қайта тиклаш масаласида кўмак беришларини, маблағ ажратишларини сўраб мурожаат этишга мажбур бўлди.

“Лойқасой” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 10 мингга

яқин аҳолининг аризаси асосида кўприкнинг қуйига қулаган плиталари 2012 йилдаёқ кўтарма кран билан олиниб табиий офат натижасида зарар кўрган кўприкларни таъмирлаш мақсадида олиб кетилди.

Қорасув кўпригини таъмирлаш, фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш – куриб битказишдек масъулият “Марказий Осиё” транс курилиш трестининг ООО “Осиё” Транс коммуникация курилиш ташкилотига топширилди. Қамаш тумани Лойқасой қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Лойқа қишлоғида истиқомат қилувчи инсон ҳуқуқлари фаоли Раҳмат Дурсаев кўп сонли тумандошларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бош прокурор номига ёзган шикоят хатида жумладан шундай дейди: “Кўприкни куриш учун 2012-2013 йилларда турпоқ ишлари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

базарилди ва авто улов ўтиш учун объезд қилинди. 66 (олтмиш олти)та қозик қокилди. Плиталар ўрнатишга ёстик учун арматура қўйилиб, тўқилди. Бетон қўйиш учун арендага темир аполавкалар олиб келиниб ўрнатилади. Лекин бетон олиб келишнинг имконияти бўлмаганидан аполавкалар йиғиштириб олинди. 4 (тўртта) плита келтирилди.

2014 йилда кўпирикнинг Жануб томонидаги ёстикқа бетон қўйиш учун яна аполавка ўрнатилиб яримига бетон қўйилди. Кейинчалик аполавкаларни бузиб, олишиб, кўпирикнинг шимол томонига ўрнатишди. Жануб томонига қўйилган бетон қўл кучи билан ўпириб олинди. 2015 йил апрель ойигача, яъни шу бугунга қадар ўрнатишга ёғоч аполавкаларга бетон қўйилмасдан қор ёмғир тагида ётибди. Миш-мишларга қараганда кўприк лойиҳа сметаси учун 670 000000 (Олти юз етмиш миллион) сўмлик смета тузилган эмиш. 2012-2013-2014 йилларда 211 000 000 (Икки юз ўн бир миллион) ва 137 000 000 (Бир юз ўттиз етти миллион) сўмлик, жами 348 000 000 (Уч юз қирқ саккиз миллион) сўм ажратилган эмиш, кўприкни қурувчи ташкилот эса 200 000 000 (Икки юз миллион) сўмлик иш бажарган эмиш. Сметада объезд қурилиши кўрсатилмаган эмиш. Миш-мишлар нечоғлик тўғрлигини форма 2 ва форма 3 лар асосида текшириб оидинлик киритилиши зарур.”

Нарх-навонинг ошиши ва сўмнинг қадирланишини назарда тутадиган бўлсак, 2012 йил тузилган смета баҳоси билан 2015 йил кўприк қурилиши учун сарфланадиган сумма мувофиқ келмаслиги ёш болага ҳам маълум. Ва бу номувофиқлик, ўз-ўзидан қайта лойиҳа смета тузишни талаб этиши, табиий. “Маълумки таъмирлаш учун ажратилган маблағ билан кўприкни янгитдан қуриб бўлмайди, – дейди Раҳмат Дурсаев, – Туманимиздаги тегишли идоралар раҳбарларининг нотўғри маълумот бериши оқибатида таъмирлаш учун ажратилган маблағ эвазига 4 йилдан буён кўприк қурилиши ниҳоясига етказилмай келинмоқда.”

Қизик, умуман олганда, Ўзбекистонда яроқсиз ҳолга келган, қулаб қолган кўприкни таъмирлаш ва ё қайта қуриш учун, аслида, неча йил керак бўларкин?

Мана, уч йилдирки Лойқасойлик ўн минг аҳоли қулаган кўприқдан фойдалана олмасдан овора.

Балки, Ўзбекистон мутасаддилари аҳолининг кўприкка бўлган эҳтиёжларини қондургунларига қадар лоақал мактабга қатновчи ўқувчиларга учиб ўтишлари учун қанот ато этиб туриш керакдир?

Мазкур хабар ҳужуқбон Дурсаев Раҳмат Аллаевичнинг шикоят хати асосида тайёрланди.

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
мустақил журналист

Истанбулда 5 март куни отиб кетилган, тожик муҳолифатчиси, “24-Гуруҳ”нинг етакчиси Умарали Қувватовнинг қонида, одатда шизофренияни даволашда ишлатиладиган, клозапин психотропик дори моддаси борлиги аниқланган. Бу ҳақда турк суди тиббиёт экспертлари



Туркия Суди экспертизаси: Тожикистонлик муҳолифатчи Умарали Қувватов қотилликдан олдин заҳарланган

эълон қилди, дея хабар беради Al-bawaba.

Суд тиббиёт экспертизаси жараёнида аниқланишича, клозапин миқдори ўлимга олиб келиш учун етарли бўлмаган, лекин ушбу дори моддаси шубҳасиз сиёсатчини заҳарлаш мақсадида ишлатилган.

Элатиб ўтамыз, 5 март куни Умарали Қувватов ва унинг оиласи ватандоши Сулаймон Қаюмов билан тушлик қилишган. Маълум вақт ўтгач сиёсатчи, унинг хотини ва болалари ўзларида дармонсизлик сезишган ва шифохонага боришга қарор қилишган.

Кейинчалик муҳолифатчининг оила аъзолари, тушлик вақтида Сулаймон ўзини шубҳали тутганлигини ва овқатни заҳарлаган бўлиши мумкинлиги ҳақида полицияга хабар беришган. Қувватов кўчага чиқганида, унга тожик тилида мурожаат қилган номаълум шахс яқинлашган, ҳамда бош қисмига ўқ узиб, жиноят жойидан яширинган.

Аввал Тожикистон ҳукумати бир неча бор – Россия, БАА ва Туркиядан Қувватовни беришларини талаб қилган. У 2012 йилда Дубайда Душанбенинг сўрови билан ҳибсга олинган, лекин кейинчалик қўйиб юборилган, шундан сўнг Истанбулга кетган.

2012 йилгача, президент Имомали Раҳмон оиласининг аъзолари билан боғлиқ можаро туфайли Тожикистонни тарк этгунга қадар, Қувватов,

унинг сўзларига кўра, ҳозирда Тожикистон президентининг куёвларидан бирига тегишли бўлган, “Фароз” ва “Точирон” компанияларини бошқарган. Қувватов Душанбедан чиқиб кетгач, Москвага келган, у ерда сиёсат билан шуғулланган. Қувватов тожик муҳолифатларини бирлаштириш лозимлигини ва мамлакат президенти Имомали Раҳмоннинг истеъфога чиқишига эришиш лозимлигини уқтирган. Ўз ўрнида, Тожикистон Бош Прокуратураси Қувватовни 6 миллион сомони (1,260 млн.

АҚШ долларидан ортиқ) ўзлаштиришда айблаган, Қувватов эса унга нисбатан қўйилган айбловларни асосиз деб айтган.

Қувватов бошчилигидаги “24-Гуруҳ” 2014 йилнинг октябр ойида, адолатли сайлов ташкил қилиш талаби билан Душанбеда митинг ўтказиш мақсади ҳақида эълон қилган.

Лекин мамлакат Олий Суди митинг арафасида “24-Гуруҳ”ни экстремист ташкилот деб эълон қилди ва Тожикистон ҳудудида унинг фаолиятини тақиқлаб қўйди. Митингга ҳеч ким чиқмади, лекин мамлакатда “24-Гуруҳи” билан алоқа қилганликда гумон қилинган фуқароларни ҳибсга олиш бошланган.

Тожик муҳолифатчиси Мақсуд Иброҳимов ҳам Москвада ўғирланган ва яширинча Душанбега олиб келинган.

ЎХХ ахборот бўлими



“Ислом давлати” учун Қуръон фақатгина ниқобдир

“Ислом давлати”нинг чўқинтирган отаси бу – Сталин, – деб таъкидлайди The Times шарҳловчиси Бен Макинтайр. Шўъро раҳбари, Сурия ва қўшни Ироқда шафқатсиз фундаменталистик халифалик шаклланишидан, 60 йил аввал вафот этган. Лекин ИД маъмурлари янги халифалик қурилишини, айти Сталин ишлатган усул, жосуслар ҳукуматидан кўркув асосида ярата бошладилар”.

“Давлат хавфсизлик кўмитаси” (“КГБ”), Шарқий Германиянинг “Штази” ва Саддам Хусайннинг “Мухабарот” ташкилотлари – буларнинг барчаси бевосита ИД

хавфсизлик хизматларининг асосидир”, – дейилади мақолада. Муаллифнинг бундай хулосага келишига, Der Spiegel журналининг шу ҳафтадаги сониди нашр этилган, Самир Абд Мухаммад ал-Хлифави (Ҳожи Бақра)нинг ҳужжатлари сабаб бўлган. “Диний неофитлар эмас, жосуслар – мана “Ислом давлати” қурилган пойдевор асоси”, – дея ишончи комил Макинтайрнинг.

Ҳожи Бақранинг ҳужжатларига кўра, Сурияда миссионерлик ваколатхоналари номи остида рекрутинг марказлари яратилган, у ерларда аҳолининг турли хил гуруҳлари ва айти бир шахсларга

таъмагирлик қилиш ва уларни бошқариш учун маълумотлар йиғиш мақсадида жосуслик тармоқлари йўлга қўйилган. “Лекин айти пайтда хавфсизлик хизматлари ўзлари ҳам шундай бошқа ташкилотлар назоратида бўлишлари керак эди, – деб қайд қилади журналист. – Ҳамма бири бирининг устидан жосуслик қилиши лозим, бу – тоталитар тизмли параноянинг одатдаги ташкилий қисми эди”.

“Бақранинг услублари ҳеч ҳам янги эмас. Бу, Саддам томондан яратилган, террористик давлат маҳсулоти эди. Ўз ўрнида бу назорат тизими эса, шўъронинг қатағон ва ҳийла модели асосида ташкил қилинган. Саддамнинг Баас тузими аслида Сталин диктатураси эди, фақатгина бошқача номларди ҳолос. Ундаги барча жамият қисмлари кўрқинч, ноаниқлик ва ҳамма нарсдан хабардор махсус хизматлар ёрдамида бошқарилар эди”.

Сўз якунида Макинтайр, “Ислом давлати” бу – диний фундаментализм ниқоби остидаги бағамом дунёвий ташкилотдир: “Исёнкорлар Ҳожи Бақранинг уйида тинтув ўтказишганда, улар унинг юқори даражали жосуслиги ҳақида гувоҳлик берувчи кўплаб далиллар топишган, – лекин бир нусха ҳам Қуръон топишмаган”.

Манба: The Times

ЎХХ ахборот бўлими таржимаси

Ўзбекистонда коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасидаги гуруҳбозликка қарши кураш олиб борилади. Бу ҳақида “Постда” газетаси хабар берган.

Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг 2015 йил биринчи чорак яқунлари бўйича навбатдаги мажлисида чиқиш қилган ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Баҳодир Қурбоновнинг айтишича, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни, айтиқса, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида юз бераётган гуруҳбозликларнинг олдини олиш борасида тадбирлар олиб борилади.

“Одатда коллежнинг биринчи курс талабалари, яъни 16 ёшли ўсмир ўғил болалар орасида келиб чиқади бундай муаммо. Чунки улар коллежга турли ҳудудлардан келишади, шу сабабдан маҳаллий келиб чиқишига қараб ўзаро бўлинадилар ва гердаиб юриш учун бошқа ўсмирлар устидан назоратни ўз қўлларига олмақчи бўладилар”, – дейди Тошкент вилоятида жойлашган коллежлардан бирининг ўқитувчиси.

“Бизнинг ҳокимиятда

прокуратуранинг айнан вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича вакили бор, шу киши коллежимизга келиб туради, тушунтириш ишларини олиб боради, болаларнинг телефонларида ахлоқсиз ва салбий мазмундаги видеолар бор-йўқлигини текширади. Бундай урушқоқ болалар ҳамма



Ўқувчи ўсмирлар орасидаги гуруҳбозликларга қарши назорат кучайтирилади

жойда учрайди, лекин бир марта милиция ҳисобига тушса бўлди, кейин уни милиция тез-тез чақириб назорат қилиб туради”, – дейди яна бир муаллим.

Охириги пайтларда ватсап, телеграм ва шунга ўхшаш ижтимоий мулоқот тармоқлари орқали ўсмирлар орасидаги жанжаллар акс этган видеолар тарқалиши кўпайган. Бу каби тортишувларда нафақат ўғил болалар,

балки қизлар ҳам қатнашадилар.

Полковник Баҳодир Қурбонов профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар билан ишлашда “мактаб – оила – маҳалла” ҳамкорлигини янада кучайтириш, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш кўмиталари имкониятларидан кенг фойдаланиш лозимлигини кўрсатиб ўтганлиги ҳақида хабар қилинган.

ЎХХ ахборот бўлими

Арман халқининг махсус миссияси ва ўзгача тарихий тақдири ҳақидаги афсона Усмон империясининг сиёсий рақиблари томондан ўйлаб чиқилган ва тарқатилган. Антанта харбий уюшмаси аъзолари ҳатти ҳаракатлари билан, Усмон империяси давлат пойдеворларини вайрон қилиш бўйича мафкуравий тушунча шакллантирилган, бу ўзига хос, Усмон империясини ўз ички норозилик салоҳияти ёрдамида, давлатни вайрон қилиш бўйича



Ўзбекистондан назар. “Буюк Арманистон”

сиёсий технология бўлган.

Турк арманлари билан ишлаган, европалик ҳамда америкалик сиёсатчи ва журналистлар, шунингдек махсус ваъзгўйлар, европа жамиятининг кўплаб вакиллари онгида антитурк ва антимуслмон қарашларнинг шакллантирилишида ўзларининг катта ҳиссаларини кўшишган.

Арман лоббилари тарафдан қўллаб-қувватланган Усманийларга қарши нафрат, ўрта аср замонларидаги турк вахшийликлари ҳақидаги ярми рост ва ярми фантастик қўл ёзма ва расмлар кўринишида тасвирий тарғиботга айланди.

Бу омилини арман диаспораси муваффақиятли қўллашга эришди, натижада баъзи европа давлатларида бу қарашлар мустаҳкам ўрин олди, шу сабабдан Ғарб Усмон империясининг ҳаётий қизиқишлари ва заҳматларини бутунлай эътиборсиз қолдириб, фақатгина арманларнинг ёрдам ҳақидаги қақирувларини эшитди.

Европа мамлакатларининг Усмон империясининг ички ишларига аралашishi натижасида, уларнинг фаолияти билан тўғараклар очилар ва ҳомийлик қилинар, ўзини хай деб атовчи халқга, арманларининг тарихий этноними даражасини беришга ҳаракат қилинган. Хайликлар қалбида Усмон империясига қарши нафратни уйғотиш мақсадида сохта илмий ақидалар ишлатиб, уларни “романтик курбонлар” сифатида, Усмон империяси ичида

даъват ва тўнтарув ишларини ташкил қилишга мўлжалланган, террористлар тайёрланадиган, алоҳида ташкилот ва жамиятларга йиғишган.

Бу ишда, Усмон империясини вайрон қилиш бўйича арман бирлашмаси маркази сифатида, европа мамлакатлари номидан айнан Арман черкови хизмат қилган. “Арманларнинг халқ сифатида асл қадимийлиги, гўёки инжилдаги Нуҳ пайғамбаридан келиб чиқиши ҳақидаги ёлғон маълумотлар” ва худдики ғайридинлар эгаллашидан олдин бу ерларда арман халқи ўрнашганлиги каби, “буюк Арманистон” ҳақидаги мавзулар, арманлар афсоналарининг асосини ташкил қилган. Бу Усмон империясини вайрон қилиш мафкуравий тизимини, ўз издошлари орасида “арман айри” халқлиги кайфиятини ривожлантирган ҳолда, Арман черкови қўллаб қувватлаган.

Арман черкови томонидан тарғиб қилинувчи, арман миллатининг “айри”лиги ҳақида ақида, илмий тасдиқга эга бўлмаган, уйдирма бўлган, бегона ва ташқаридан киритилган мафкурадан арманларнинг ўз кўнглида ижтимоий бир миллатлар билан бирлик туйғусини пайдо қилиб, миллатлараро муносабатни ёмонлаштирди.

Булар, арман миллатчилиги ва арманларнинг айри миллат эканлигига бўлган ёлғон ишончдан миллатлар ўртасидаги тенгликни рад қилиши, миллий уйғунликнинг

келмоқда.

Маълумки, 1878 йилга қадар фақатгина Россия империяси, Усмон империясининг Кавказ ва Туркистонга таъсирдан чўчиб “арман масаласи” ўйинини бошлаган. Ушбу ўйиннинг мақсади Усмон империясини ўз сиёсий таъсири соҳасидан ва Россиянинг мустамаलाка чегараларидан сиқиб чиқариб ташлаш бўлган. Айнан шу ўйинда Усмон империясининг ички кучини кучсизлантириш учун арманлар Россия империяси восита буюмига айланди. Кейинчалик, дунёнинг бошқа кучли мамлакатлари ҳам, аввал ҳам шу мақсадда восита буюми сифатида ишлатилган, хайликларнинг миллий туйғулари билан ўйин қилишни бошлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида, Россия империясининг Болқондаги ташқи сиёсий фаоллиги билан, қора денгиз бўғозлари худудида, Кавказ ва Туркистонда, дунёдаги кучли мамлакатларининг дипломатик ва харбий стратегиясида даставвал номланган “арман масаласи”, Усмон империяси билан тўқнашувлар келиб чиқаришдаги восита сифатида фойдаланиш учун сиёсий технология кўринишида шакллана бошлади.

Россиянинг Усмон империясига қарши қарашлари, “арман масаласини” жаҳон сиёсати даражасидаги муҳим муаммо даражасига кўтарган, Буюк Британия ва Франциянинг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қарашлари билан мос келди. Архив маълумотларига кўра, этник арманлар Усмон империясида ҳам, Россия ва Форс империяларида ҳам, шунингдек барча “арман” хуудларида ҳам нафақат кўпчиликни, ҳаттоки аҳолининг ярмини ҳам ташкил қилишмаган. Арман миллатчилари, ўша вақтда Усмон империяси билан адоватда бўлган британияликларнинг ва айниқса Россиянинг қўллаб қувватлашига умид қилган ҳолда, “буюк Арманистон”ни яратиш ҳақидаги афсонавий режасини ҳаётга тадбиқ қилишга қарор қилди. Бунинг учун, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида, Туркияга русларнинг бостириб кириши учун қулай шароит яратиш бериши мумкин эди.

1878 йили Швейцарияда, Усмон империясига қарши Европа манфаатларида “Гнчаг” арман миллатчилик ташкилоти яратилди, 1890 йил Кавказда жойлашган Тбилисда эса Усмон империясини йўқ қилиш борасидаги Россия империяси манфаатлари йўлида “Дашнакцутюн” арман миллатчилик ташкилоти шакллантирилган. Ушбу ташкилотлар бошқа давлатлар қўлида, Усмон империяси ҳукуматига қарши чиқишда фойдаланиш учун ўзига хос қурол эди.

Шу тарзда, арман черковларининг афсонасини, “буюк Арманистон”ни яратишни орзу қилган арман миллатчилари ва улар билан алоқада бўлган гўёки қудратли давлат қуриш кайфиятини кўтаришни ташкил қилишда фаол иштирок этувчи экстремистик доираларга ўтди.

Дунё кучли мамлакатлари томонидан бундай ташкилотларни яратишдан асосий мақсад Усмон империясини вайрон қилиш эди, аммо “европалик” “арман масаласи” номи остидаги сиёсий технологиянинг яратувчилари ва арман миллатчилик тўғарақлари ва жамиятлари ташкилотчилари арман давлатини яратиш ҳақида ҳаттоки ўйлашмас эди ҳам.

Бу борада, 1878 йил Берлин конгрессидаги Отто фон Бисмарк ўқиган нутқидаги “Арман давлатчилиги немис солдатининг бир томчи қонига ҳам арзимайди”, деган сўзи, жудаям диққатга сазовордир.

Ўша вақтлардаги жаҳон

сиёсатида, 1878 йилнинг 3 март кунги Сан-Стефано тинчлик шартномаси ва 1878 йилнинг июн ойидаги Берлин конгрессида қадар дунё кўламида муҳокама қилинаётган, арман масаласи умуман мавжуд эмас эди. Ушбу шартнома ва конгрессга қадар Усмон империясида ҳам арман масаласи ва арман ташкилотлари йўқ эди. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди, чунки парламентда ҳам, Усмон империяси ҳукуматида ҳам арманлар вакиллари бор эди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида арман черкови ташаббуси билан “Гнчаг” ва “Дашнакцутюн” арман ташкилотлари конгресс ўтказишган ва унда Усмон империясига қарши аниқ қарорлар қабул қилишган.

Бу конгресснинг биринчи қарори – Усмон империяси армиясида хизмат қилаётган арманлар ҳеч бир ҳолатда қуролларини топширмасликлари, россия қўшинлари яқинлашгандан сўнг, ўз қуролларини Усмон армияси аскарларига қаратиш лозимлиги, ҳақда бўлган.

Конгрессда қабул қилинган иккинчи қарор, кишлоқларда қолган, Усмон аскарлари оила аъзоларига босим ўтказишни бошлаш бўлган.

Учинчи ва энг асосий қарор – бўлажак урушда ҳар қандай йўл билан бўлсада Усмон империясини мағлуб этишга эришиш, ҳақида бўлган.

1909-1918 йиллар давомидаги Усмон империяси Султони Махмат Ришод V ва Усмон армияси генераллари Жамол пошша, ҳарбий вазири Анвар пошша, ички ишлар вазири Талаат пошшаларга бу режалар ҳақда маълум қилинган.

1914 йил декабридан то 1915 йил январини охирига қадар “Сариқамиш” жанги давом этди. Жанг давомида Усмон империясига хиёнат қилиб, душман тарафига ўтган арманларнинг хоинлиги аён бўлди.

Оммавий тарзда душман тарафига ўтган ва қўллаб қувватлаган маҳаллий арманлар, ўзларининг кўп асрлик мусулмон қўшниларида душманлик ва нафрат уйғотишди.

Бундай шароитдаги ўзаро ишончсизлик осонгина оммавий нафратга, бу эса ўз ўрнида томонлар ўртасидаги душманликка сабаб бўлди.

Шухрат Барлос
Русчадан ЎХХ таржимаси

Тошкент тумшугида табiiй газ ва сув муаммоси

Янгийўл тумани Тошкент вилоятининг етакчи туманларидан бири.

Қўлимиздаги маълумотларга қараганда, пойтахтимиз билан деярли тутшиб кетган Янгийўл туманининг Жамбул кўрғони аҳолиси бир неча йилдирки нафақат табiiй газдан, балки тоза ичимлик суви муаммосидан ҳам азият чекиб келишмоқда.

Ажабланарлиси шундаки, шу кичик кўрғончанинг ўзида 50 дан ортиқ иссиқхоналар кишин-ёзин фаолият кўрсатиб келмоқда. Помидор, бодиринг, турли кўкатлар етиштиришга ихтисослашган мазкур иссиқхоналар эса туман газлаштириш идораси томонидан пинҳона ва сирли тарзда табiiй газ билан мунтазам таъминланиб келмоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузилишига оид мазкур салбий ҳолат юзасидан Жамбул кўрғони аҳолиси маҳаллий қонун идораларига, хусусан, туман прокурорига арз-ҳол қилишган. Бирок, аҳолининг аризаси оқибатсиз қолдирилган.

Қонун ижросини таъминлашга ва назорат этишга масъул бўлган Янгийўл туман прокуратурасининг хўжасизлиги туфайли Янгийўлдаги Жамбул кўрғони аҳолиси мавжуд муаммо юзасидан Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти вакилларига кўмак сўраб мурожаат қилишга мабур бўлишган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти вакилларининг кўмагида куни кеча Жамбул кўрғончаси аҳолисининг табiiй газ ва тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини қондириш юзасидаги талаблари асосида Бош прокурор номига навбатдаги шикоят хати жўнатилди.

“Мазкур муаммони атрофлича урганиб чиқиб, муаммоларни бартараф этиш ва масъулиятсиз мансабдорларга нисбатан қонуний чора кўришларингизни, аҳолининг табiiй газ ва тоза ичимлик суви танқислигининг сунъий равишда юзага келтириб чиқарувчи омилларни пухта ўрганиб чиқиб, кўрғонимизда истиқомат этувчи истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишингизни ва табiiй газ ва тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини қондиришда амалий кўмак беришларингизни сўраймиз” дейилади шикоят хатида.

Мазкур масалага оид шикоят хатининг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёев номига ҳам юборилди.

Хабар Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
томонидан юқори қонун идораларига
жўнатилган шикоят хати асосида
тайёрланди.

ТУҲМАТ ТОШИ ЁХУД БИР-БИРИМИЗНИ АСРАМАСАК, БИЗЛАРНИ КИМ АСРАЙДИ?!

Бир қанча вақт олдин Исмат Хушевнинг “Дунё ўзбеклари” мустақил интернет-газетаси саҳифасида “Ўзбекистон халқ ҳаракати” да эълон қилинган сайтлар рейтингига муносабат шаклида, Отабек Тошев деган аллақимнинг аччиқ эътирози босилди.

Муаллиф рейтинг кўрсаткичларидан ўзини норозидай тутаётган бўлсада, унинг Муҳаммад Солиҳ кўксини нишонга олгани парда ортидан бўртиб турарди. У асоссиз иддоалари қатига ғаразгўйлигини сингдириб юборишга

бу дунёда Муҳаммад Солиҳ билан боғлаб турадиган ҳеч бир жиҳат йўқ, ҳар иккаласининг на сиёсий майдонда, на шахсий ҳаётда бир-бирларига тегишли бўлиши мумкин бўлган бирор нуқтасини топиш мушкул эди. Улар Антрактидадаги муз тоғлари билан Африкадаги ўрмонлар сингари бир-бирларига етти ёт бегоналар эдилар.

Даъвогарнинг Муҳаммад Солиҳнинг раҳматлик турмуш ўртоғи Ойдин Солиҳ номини ҳам тилга олиб, “Дунё ўзбеклари”нинг “бир оила фожеаси”ни “бутун башар”нинг фожеасига

нафсониятига тегиши мумкинлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Чунки, бу жойда ноқоиз бирор нарсанинг йўқлиги ҳозир ҳам кафтдагидек кўриниб турипти.

Кўнгилга малол келадиган тирноқча нарса йўқлигини кўриб, шунга ҳам ота гўри қозихонами, дегинг келади. Аммо, бунга кеч, туҳмат тоши нишонга тегмаган бўлса ҳам, отилгани фактликча қолади, энди.

Биз ичкарида бўлсак ҳам, ташқаридаги маслакдошларимиз ва ҳаракатимиз йўлбошчиси билан бошқа

оғизлик қилган, унда сиёсий ва журналистик маҳорат йўқ ҳисоби эди. Ёким жаҳл чиққанда ақл кетади, деганларидай, у ўзигагина аён қандайдир бир сабаб туфайли бошқарув тизгинини йўқотиб қўйганди, ғазаби боисини тушуниш қийин эди.

Шаллақилик билан иш битмаслигига эса, унинг бир чақалик иши йўқ, калла-почча сотадиган кампир каби тўғри келганга бобиллаб берса, шу билан гўё кўнгли таскин топар, фойда-зарар ва шарму


ҳаё у учун сўнги масала эди.

Барчаси, кишида “кимнингдир буюртмаси билан ёзилган”, деган ноҳуш тассурот уйғотарди. Ҳаттоки, кимдир бу даъволарни шоша-пиша мушоҳада этиб ўтирмасдан ғазаб билан қоғозга туширгану, Отабек Тошев ўз исми-шарифи остига имзо қўйган, холос, деган беъмани ҳаёллар ҳам кўнгилга тинчлик бермасди.

Чунки, услуб таниш эди. Дўсту душманни битта қозонга зўрлаб тикиб бўтқа пишириш, ҳар икки томонни балчикқа белаб туриб ҳам ҳар икки томонга яхши кўринишга уриниш, фикрлар тизимсизлиги ва ҳис-ҳаяжонларнинг бетийиқлиги, шон-шухратга ўчлик, мақсадсизлик ва эътикод ночорлигининг биринчи планга қўйилиши, барча-барчаси, кимнингдир афт-ангорини эслатаётган эди.

Хуллас, Отабек Тошев рейтинг таҳлили бир ёқда қолиб кетиб, Муҳаммад Солиҳни “кўролмаслик” ва “ичқоралик”да айбларди. “Дунё ўзбеклари”нинг юз минглаган ўқувчилари бору, “Ўзбекистон халқ ҳаракати”нинг 10 – 15 та ўқувчиси борми-йўқлиги даъвоси ҳам, жуда қизиқ бир аргумент эди.

Суриштириб билганларимизга кўра, туҳмат тоши отаётган кимсани



юзлаган ячейкалар сингари жуда яқин алоқадамиз. Ҳар кун бўлмаса ҳам, кунора, ҳеч бўлмаганда ҳафта-ўн кунда, улар билан бир-икки марта интернет тармоғи орқали хабарлашиб турамыз. Йиғилиб бошқа масалалар сингари сайтда эълон қилинаётган мақоаларни муҳофама қилиб, қарор ва т а к л и ф л а р и м и з н и тахририятга жўнатамыз. Ҳар бир вилоят пойтахтдаги ЎХХнинг бўлими сингари

айлантиргани хусусидаги чўпчаклари эса, ҳаммасидан ошиб тушарди.

Ҳолбуки, ўлим фожеа эмас, ўлим мусулмон учун истиқболнинг бошланиши, холос. Маънавиятсизликни ва дину диёнатсизликни ҳақиқий фожеа деса бўларди.

Қолаверса, ЎХХ тахририяти рақамларни ўзлари тўқиб чиқармаганларини исбодлаш учун манбани сал кейин эълон қилган каби, Отабек Тошев ҳам бу масалага ўз вақтида аниқ далиллар билан расман ёндашганда эди, ҳеч кимда эътироз туғилмасди. Қилдан қийикқидирадиган аллақимларда ҳам муаллифнинг холислиги шубҳа уйғотмаган бўларди. Чунки, эълон қилинган параметрлар ЎХХчи чиқарган хулосалар эмас, улар “Халқаро хизматлар”га тегишли эди.

Билишимизча, бу нарсалардан ҳам Отабек Тошев деган кимсанинг эътирозидан ҳам Муҳаммад Солиҳ огоҳлантирилмагунча, том маънода хабарсиз бўлган. Тахририятдагиларнинг ҳам бировни камситиш ёхуд ўзларини аллақимдан юқори қўйиш ниятлари бўлмаган. Аммо, бизнинг фикримизча ҳам, бу нарсани эълон қилишнинг ҳождати йўқ эди. Бу ҳақида, ўша пайтда ҳеч ким ўйлаб кўрмаган, бунинг кимнингдир

жойларда мустақил иш кўради. Ва ҳаказо... Энди, бу нарсаларни яшириб ўтиришнинг ортик ҳождати қолмади. Бизларнинг конхўр режимдан кўрқадиган кунларимиз ўтиб кетди, Аллоҳга шукур, биз бугун етарли кучга ва марказ саъй-ҳаракати билан мукамал ишлаб чиқилган тактика-стратегияга ва “Миллий озодлик” ғояси теварағида жипислашган замонавий ҳаракатга эгамиз.

Президентнинг топшириғи билан МХХдагиларнинг йигирма йилдан буён “Эрк” партияси бош қотиби Отаназар Ориповнинг уйининг эшигини кўриқлаб ўтирганидан мамнунлигимизни ҳам бугун яшириб ўтирмаймиз. Бизга “кўзим кўрмаса, кетимни бўри есин” қабилида имконият яратиб берганлари учун, уларга ҳам ташаккурлар билдирамыз. Баъзида дўст деб кўрилганлар душманнинг ишини қилиб, одамни дилисиёҳ қилгани мисол, баъзида ашаддий душман деб кўрилганларнинг дўстнинг ишини қилиши ҳам бор гап экан...

Хуллас, Муҳаммад Солиҳ бизларнинг бу нарсага муносиб жавоб қайтариш зарурлиги хусусидаги тақлифимизни кескин рад қилди. Айтишича, Отабек Тошевни яхши

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

биладиган мамлакат ичидаги бошқа ҳаракат аъзоларидан ҳам даъвогарнинг никобини йиртадиган бир-икки маълумотлар, аллақачонлар унинг қўлига етиб борган экан. Аммо, унинг: “Исмаъилнинг ҳаракатимизга ҳам, шахсиятимизга ҳам ҳеч қанақа ғарази йўқ. У кўнгли очик, далли-ғулли бир йигит, унинг бундан хабари бўлмаган бўлиши ҳам мумкин” деган эътирози, бизларни бироз ховуримиздан туширди. Чунки, у ҳам Муҳаммад Солиҳ каби бошқа муҳим ишлар билан ўралашиб, чинданам бу каби аҳамият касб этмайдиган нарсаларга диққатини қаратишга вақт топа олмаган бўлиши ҳам мумкин-ку, деган ҳаёл, иштаҳамизни бўғиб қўйди. Шаштимиздан тушгач, ёзишга бўлган майл ҳам, ичимизда уйғонган қандайдир курашишга бўлган муштоқлик қуввати ҳам ўз-ўзидан сўнди, қолди. Муҳаммад Солиҳ айтганидек, бу каби пуч ва асосиз нарсаларга муносабат билдириш, аслида кераксиз бир нарса эканини ҳам ўпкамизни босиб олгач тушуниб етдик.

Бироқ, мени Отабек Тошевнинг Ойдин Солиҳ хусусидаги даъволари ўтган кунлар мобайнида кўп бора ўйга толдириди. Ойдин Солиҳнинг икки оламга татийдиган нурли бир дунё яратганидан ғофил бир гумроҳнинг, у ҳақида сўз айтишга ҳақки бор-йўқлиги масаласи, менга бир дақиқа ҳам тинчлик бермади. Ойдин Солиҳнинг на тирикчилигида на вафотидан сўнгра, на “Дунё ўзбеклари” на Муҳаммад Солиҳга, наинки бошқа бировга на маънан на иқтисодий жиҳатдан эҳтиёжи бўлмаганини жуда кўпчилик яхши билади. Акси, кўпчиликнинг ҳар доим унга эҳтиёжи бўлган. У ҳар қандай одамга жону дилидан кўмак беришни, маънан қўллаб-қувватлашни ўзининг инсоний бурчи, Аллоҳ олдидаги бандалик қарзи, деб билган солиҳ ва комила бир аёл эди. Кузатуларимизга қараганда, унинг бутун дунёда ўзига муносиб шогирдлар етиштиришга эришгани, унинг тутган йўли нақадар тўғри йўл эканлигидан ва у бошлаган ишнинг ҳеч қачон ўлмаслигидан далолат беради. Қолаверса, Муҳаммад Солиҳ сингари унинг номини юрт ичкарасида тилга олиш тақиқланганига қарамай, у ўзи жонидан ҳам ортиқ кўрган ўзбеклар орасида ҳам тирикчилигида етарлича машҳурликка ва ҳурмат-эҳтиромга сазовар бўлган бир аёл эди.

Мамлакатда унинг “Ҳақиқий тиббиёт” китоби билан номи кириб бормаган хонадон қолмади, бугун юрт ичида унинг машаққатли меҳнатлари ва меҳр-мурувватидан қай бир сабаб билан наф кўрмаган бирор кимсани топиш қийин. У камсуқумликни ва оддийликни суйган бўлса ҳам, ўзини ва амалга ошираётган оламшумул ишларини реклама қилишларини

йиллар бўйи ёқламай келган бўлса ҳам, биргина “Ҳақиқий Тиббиёт” китоби, бутун дунёдаги каби уни ўзбеклар учун ислом тиббиётининг маликасига айлантирди. Қуръони карим ва Суннатга таянган бу тиббиётнинг жадаллик билан анъанавий тиббиётни кишилиқ жамиятидан сиқиб чиқаришни бошлаганини тасаввур қила олсак, яқин вақтлар ичида инсониятни кўпгина зарарли даволаш усуллари кутқариб, ер юзида ҳукмронлик қилиши тахмин қилинаётган “Ҳақиқий тиббиёт”нинг йигирма биринчи асрдаги асосчиси бўлмиш Ойдин Солиҳнинг не қадар буюк бир ишга қўл урганлини тушунамиз. Яна, унинг украин миллати вакиласи ва келиб чиқиши насроний динига мансублигини эътибордан соқит қилмайдиган бўлсак, Ойдин Солиҳ каби шижоат ва матонат, ихлос ва меҳр-муҳаббат, ақл-идрок ва янгиликка бир тафаккур соҳибасининг мусулмонликни қабул қилиши ва бу жабҳада кўпгина мусулмонларга иймон-эътиқодда қарвонбошилиқ қилиши, Яратганининг хоши-иродасидан бошқа бир нарса эмаслигига иқдор бўламиз. Унинг тақидири ришталарининг ўзбеклар билан боғланганлиги ва Ойдин Солиҳнинг ўзбекларнинг Ибн Сино каби ота-боболари таъмал тошларини қўйган исломга асосланган тиббиёт ва илоҳиётга орқа бериб бутун иқтидорини дунёга намойиш қила олишида ҳам, биз тушунмайдиган бир ҳикмат бўлса керак...

Хулоса қилиб айтганда, у ўзбекнинг Гулбаданбегим, Зебунисо, Увайсий, Нодирабегим каби машҳур момолари қаторига ўз исмини зарҳал ҳарфлар билан битиб кетди. У ҳали ўзининг бошлаган хайрли ишлари билан бу дунёда ўзбек миллатига олам-олам шон-шухрат ва Аллоҳнинг раҳматини олиб келади. Ўзбеклар, ҳали унинг ҳаёт тарзи ва илмда эришган муваффақиятларини ўрганиб, у билан фахрланадилар, унинг ишларини давом қилдириб тиббиётда оламшумул ғалабаларга эришадилар, у каби Қуръони карим ва Суннатнинг яширин қирраларини кашф этиб, дунё илм-фанида ҳам янги чўққиларни забт этадилар. Шунинг учун ҳам биз у ва у каби улуғларимиз хусусида сўз кетганда, жуда эҳтиёт бўлиб гапиришимиз, орамиздаги яхши-ёмон ишлардан уларнинг пок номларини йироқ тутишимиз керак. Ойдин Солиҳ ҳақида бир нима айтмоқчи бўлсак, аввал унинг фаолиятини ва қолдирган меросини ўрганиб чиқиб, сўнгра бир нима дейишимиз жоиз бўлади...

Умуман олганда, бизлар бир-бирларимиз хусусида ҳам обдон ўйлаб, сўнгра хулоса чиқарсак, ёмон бўлмасди. Чунки, бизлар ўтган йиллар асносида жуда узоқ ва хатарли манзилларни кечиб ўтдик. Ҳеч биримиз ҳам йигирма-йигирма беш йил олдинги

ғўр ва алифни калтак дейдиган, эшитганимизга лакка тушиб, тўғри келган кимсага эргашиб кетаврайдиган аҳмоқ эмасмиз. Шу жумладан, Муҳаммад Солиҳ ва Исмаъил Хушевга ўхшаган миллатнинг жасоратли ва асл ўғлонлари хусусида ҳам етти ўлчаб, бир кесиб гапирсак, биринчи галда, ўзимизни ҳурмат қилган бўлардик. Аввало, бу икки инсон ҳақида сўз айтиш учун бизнинг маънан ҳақимиз бор йўқлиги хусусида, ўз-ўзимизга виждонан мурожаат қилиб, шунга қараб иш кўрсак ёмон бўлмасди.

“Демократия”, “Сўз эркинлиги” деган билан бу нарсалар замирини англаганлар бор, англамаганлар бор. Халқимизнинг: “Тенг-тенги билан тезак қопи билан” деган ўғитига қулоқ оссак, фойдадан холи бўлмасди. “Паст-пастни топар, сув сойга оқар” деган ҳам бир гап бор. Ҳамманинг ҳам бўйи тенг бўлгани билан ҳамманинг ҳам ақли тенг бўлавермайди. Оғзидан тухумнинг сариғи кетмаган бир жўжаҳўроз, осмону фалакда чарх уриб учиб юриган бургутга ерга оёқ тираб, чиранса, жуда кулгули чиқар экан.

“Ўзбекистон халқ ҳаракати”нинг 10 – 15 та ўқувчиси борми-йўқлиги” масаласига келадиган бўлсак, бизнинг сайтимиз “Даракчи”лик қилиш даъвосидан жуда йироқда. У бошқа баъзи бир сайтлар сингари “ошиқ-машуқлар”нинг ёки “кўнгилик очар”ларнинг маскани ҳам эмас, бизларнинг тўғри келган одам кириб чиқиб гап ўйнайдиган “чойхона”лик гузарларидан кечганимизга ҳам кўп йиллар бўлди. Мақсад, шундай аҳволга тушиб қолишдан қочиш, жиддий масалалар хусусида сўз айтиш ва реал фикрлайдиган ўқувчилар билан мамлакат, миллат аҳволи хусусида тиллашиш ва дардларга дармон излашдан иборат. Халқимизнинг ҳинд кинофильмларидаги эртақларда тасвирланадиган “ширин орзулар”га ишонмай қўйганига йигирма йиллар кечяпти. Шунинг учун бизни сон эмас, сифат қизиқтиради. Шунчаки милёнлаган ўқувчиларнинг бизга боридан йўғи яхши, бизлар ватан ва миллатнинг тақдири учун жони ва молидан кечадиган битта фидойини мингта ўзининг кўнглини пуч ёнғоқ билан тўлдириб юришни одат қилган вайсақига алмаштира олмаймиз.

Яна, биргина Тошкент мисолида ЎХХИ сайтини ўқийдиган ўқувчилар сонини тахминан чамаласак, бутун Ўзбекистон ичкарасида, унинг қанча ўқувчилари борлиги келиб чиқади. Айтиш жоиз бўлса, улар оддий ўқувчилар эмас, ҳар бирлари ЎХХИнинг фаол аъзолари, сайтда эълон этилаётган ҳар бир нарсани буйруқ деб қабул қиладиган инсонлар.

Мамлакатдан ташқарисидаги ўқувчиларнинг эса, унчалик ҳам бизлар учун аҳамияти йўқ.

Давоми бор
ЭРГАШ СУЛАЙМОН

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Мушрикларнинг Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ғалати таклифлари

Роббимга исён этажак бўлсам, буюк Кун азобидан кўркаман. Де-ки: “Аллоҳ истасайди, менга бу Куръонни индирмасди. Мен ҳам сизга уни ўқимасдим. Аллоҳ уни менинг тилим билан сизга билдирмасди ҳам! Мен ундан (Куръондан) аввал сизларнинг орангизда бир умр яшадим. Сиз ҳали ҳам ақлингизни йиғиб олмадингизми?” (“Юнус”, 15- 16”).

Бир куни Пайғамбаримиз алайҳиссалом Каъбани тавоф этар экан, Куръайш мушрикларидан Асвад бин Мутталиб, Валид бин Муғира, Умайя бин Ҳалаф, Осс бин Воил унинг ёнига келиб, шу таклифни қилдилар: “Ё Муҳаммад, кел, сен бизнинг динимизга тобе бўл, биз сеникига тобе бўлайлик.

Сен бизнинг илоҳларимизга бир йил топин, биз сенинг илоҳингга бир йил топинайлик. Бу шаклда орамизда ярашув ўрнатилсин”, дейишди. Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбаримиз алайҳиссалом уларга: “Мен Аллоҳга ибодат этарканман, Унга шерик кўшишдан Унга сиғинаман!”, дея таклифларини рад этди. Ва эртаси куни Масжидий ҳарамга бориб, мушрикларга “Кофирун” сурасини ўқиди.

Бу сурани эшитиб, Куръайш мушриклари Пайғамбаримиз алайҳиссаломга сўкиниб, ҳақорат этдилар.

Ибн Умий Мактум

Бир куни Пайғамбаримиз алайҳиссалом Куръайш мушрикларининг катталаридан

Валид бин Муғирани исломиятга даъват этиб, суҳбатлашаётган бир пайтда кўзи кўр бўлган Ибн Умий Мактум келди ва: “Ё Расулуллоҳ, мени иршод эт, Аллоҳнинг сенга ўргатгани нарсаларни менга ҳам ўргат”, дея бошлади. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан Куръон ўқишини талаб этди.

Ибн Умий Мактумнинг орага кириб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг сўзини кесгани Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ғашига тегди. Қошини чимириб, юзини тескари бурди.

Ибн Умий Мактум талабини давом эттирди. Пайғамбаримиз хузурсиз холда уйига кетди. Бу воқеадан кейин Аллоҳу Таоло

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (27).

“Абаса” сурасида Пайғамбаримиз алайҳиссаломни шундай огоҳлантирди: “У ўзининг олдига кўзи ожиз одам келгани учун қошини чимириб, юзини ўгирди. Сен қаердан биласан, балки у (сендан ўрганган маърифати ила гуноҳларидан) покланар?”

Ёки ўгит олиб, (сенинг) бу ўгитинг унга фойда берар? Энди (ўз бойлиги билан иймондан) истиғно қилиб турган кимсага келсак, сен унга иқбол қилиб, юзланмоқдасан. Ҳолбуки, унинг (ўз куфридан) покланмаслигидан сен масъул эмассан. (Аллоҳдан) кўркиб, ёнингга югуриб-елиб келган зотга келсак, сен ундан чалғиб, юз ўгирмоқдасан! Муҳаммад алайҳиссалом

Аммо, йўқ (асло бундай қилма). Чунки (Куръон оятлари) бир насихатдир. Ким хоҳласа ундан насихат олар. (Бу оятлар Аллоҳ наздида) азизу мукаррам, қадри юксак, покиза саҳифаларга улуғ, такводор мирзалар қўллари ила (битилгандир). (“Абаса”, 1- 16).

Бу воқеадан сўнг Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ибн Умий Мактумга икром этиб, у билан суҳбатлашди. “Бир истагинг борми?”, дея ҳолаҳвол сўради. Кейин ҳам унга “Марҳабо, Роббимнинг менга қилган итобига сабабчи бўлган инсон!”, дея мурожаат қилди.

Мушрикларнинг мусулмонларга қилган қийноқ ва азиятлари

Куръайш мушриклари Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва унга эргашган мусулмонларга қарши душманликларини кучайтира бошладилар.

Аллоҳу Таоло мушрикларга қарши Пайғамбаримиз алайҳиссаломни амакиси Абу Толиб воситаси ила, Ҳазрати Абу Бакрни эса қавми ва қабиласи воситасида муҳофаза этди. Бошқа мусулмонларга келсак, мушриклар уларни ушлаб, устига темир қўйлак кийдириб, жазирама иссиқда ётқизар ва ёғларини эритар эдилар.

Жуда кўп мусулмонлар бу даҳшатли қийноқ таъсирида мушрикларнинг айтганини такрорлашга мажбур бўлишди. Фақат Билол Ҳабашийга кучи етмади уларнинг. Қийноқ ва исқанжаларга дош бермай динидан қайтганлар ҳам бўлди.

Лекин Аммор бин Ёсирнинг

отаси ва биродари каби динидан қайтмай қийноқлар остида жон берганлар ҳам бор эди. Мушриклар – одамига ва ерига кўра – ҳар қандай ҳақорат ва хўрлашни қилишарди. Абу Толиб Куръайш мушрикларига қарши Ҳошим ва Мутгаллиб ўғилларини тўплаб, уларни Пайғамбаримизни кўришга чақирди. Бу икки Муҳаммад алайҳиссалом қабила Абу Толибнинг таклифини дарҳол қабул этдилар. Фақат Аллоҳ душмани Абу Лаҳаб бу таклифни рад этди.

Тавоф пайтидаги ҳужум

Бир куни Куръайш мушриклари Каъбанинг Ҳижр деган жойида тўпланиб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ғийбат қилиб туришарди. Бирдан Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўринди. У Ҳажар-ул Асвадни истилом қилди, кейин Каъбани тавоф этар экан, мушрикларнинг ёнидан ўтди. Мушриклар унга гап отдилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ғазаблангани юзидан кўриниб турарди. Аммо индамай тавофда давом этди. Пайғамбаримиз иккинчи марта уларнинг ёнларига яқинлашганида, яна айни шаклда ҳақорат қилишди. Пайғамбаримиз индамади, тавофда давом этди. Ғазаблангани юзидан кўриниб турарди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом учинчи марта уларнинг ёнидан ўтаркан, яна гап отдилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу сафар тўхтади ва: “Эй Куръайш жамоати! Эшитяпсизми?! Борлигим қудрат қўлида бўлган (Аллоҳга)

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ямин этаманки, ҳаққингизда талокқий айлаганим ҳалок хабари ила келдим!”, деди.

Бунӣ эшитган мушриклар донг қотиб қолдилар. Бошларига худди куш кўнган каби бошларини олдга эгиб қолишди. Ҳатто ашаддий душман Абу Жаҳл ҳам майин овоз билан:

– Эй, Қосимнинг отаси! Ўтиб кетавер, тўғри йўлда бўлганим ҳолда кетавер! Валлоҳи, сен жоҳил киши эмассан!, – деди.

Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом улардан узоқлашди.

Эртаси куни мушриклар айна ерда: “сизларнинг юзингизга ёқмаган нарсаларни сўйласа ҳам жим турасизлар, уни қўйиб юборасизлар”, дея бир-бирини танқид қилиб турганида, Пайғамбаримиз алайҳиссалом пайдо бўлди. Мушриклар дарҳол уни ўраб олишди. “шундай- шундай деган сенмисан?”, дея таҳдид билан сўради улар.

“Ҳа, менман”, деди Пайғамбаримиз алайҳиссалом. Мушриклардан бириси Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ёқасига ёпишди.

Ҳазрат Абу Бакр дарҳол Пайғамбаримизнинг олдида туриб,

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (27).

“Ҳайф сизларга! Сиз бир одамни Роббим Аллоҳдир дегани учун ўлдирмоқчимисиз?!”, деди кўзида ёш билан. Мушриклар чекилдилар.

Аммо ўша куни Ҳазрати Абу Бакрни сочидан ва соқолидан тортиб яраладилар.

Ёмон қўшнилари

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг уйи Абу Лаҳаб ва Уқба бин Аби Муайтнинг уйлари ўртасида эди. Улар ҳайвон ишқамбасини (ичак чавоғини) Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг эшиги олдида ташлаб кетарди.

Абу Лаҳабнинг хотини Умму Жамилнинг душманлиги ҳаддан зиёда эди. Бу хотин ҳар кеча тиканларни, питроқларни тўплаб, Пайғамбаримизнинг йўлига ташларди. Бу мавзуда Аллоҳу Таоло “Таббат” сурасини нозил қилди.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан нафратланган Куръайш мушриклари “Мухаммад” (мадҳ этилган)ни тескарисига айлантриб, “музаммам” (ерга урилган) дея масҳара қилишарди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом “Аллоҳу Таоло Куръайш мушрикларининг сўқинч ва лаънатларини мендан қандай узоқлаштирганига ҳайратланмайсизларми? Улар менга “Музаммам” деб сўқар, “музаммам” деб лаънатлардилар, мен эса Мухаммадман”, дерди. (Аҳмад бин Ҳонбал, 2/244).

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қизлари Ҳазрати Умму Кулсум ва Ҳазрати Рукия оталарига пайғамбарлик келмасдан олдин Абу Лаҳабнинг иккита ўғлига унаштирилган эдилар.

“Таббат” сураси нозил бўлганидан сўнгра Абу Лаҳабнинг хотини Умму Жамил ўғилларига “Рукия ва Умму Кулсум диндан чиқдилар. Улардан айрилиги”, деди.

Абу Лаҳаб ҳам ўғилларига “Мухаммаднинг қизидан айрилиги”, деди. Шундан кейин унинг ўғли Утайба Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг олдида келиб: “мен сенинг динингни танимайман, қизингдан айрилдим”, деди ва Пайғамбаримизнинг қўйлагини йиртди. Пайғамбаримиз бунга қарши: “Истайман-ки, Аллоҳ кўппакларидан биттасини сенинг устинга солсин. Аллоҳим, кўппакларингдан бир кўппакни

унинг устига сол!”, дея дуо этди. (Байҳокий, “Далоил”, 2/339).

Бунӣ эшитган Абу Лаҳаб: “Мухаммаднинг ўғлимга қилган баддуосидан қўрқаман”, деганди. Шундан кейин Утайба бир тижорат қарвони билан Шомга йўлга чиқди. Зарко деган бир ерда кўноқладилар. Кечаси бир арслон келиб атрофда айлана бошлади. Утайба “Вой онажон, Мухаммаднинг дегани каби, бу мени ейди!”, деди.

Арслон орқасига қайтиб кетди. Йўлдошлари Утайбани ораларига олиб, уйқуга кетишди. Арслон қайтиб келди.

Уйқудагиларни бир- бир ҳидлаб, Утайбани топди ва бошини битта ғажиди ва ишини битирди. Утайба жон ҳолатда “мен сизга Мухаммад энг тўғри сўзлидир демаганмидим?”, дея бақирди ва ўлди.

Ўғлини арслон ўлдирганини эшитиб, Абу Лаҳаб “Мен сизга Мухаммаднинг ўғлимга қилган баддуосидан қўрқаман демадимми?”, деди.

Баддуо олган етти мушрик Абдуллоҳ бин Маъсуд шундай хотирлайди: “Пайғамбаримиз алайҳиссалом Байтуллоҳ ёнида туриб намоз қилаётганди. Абу Жаҳл ва унинг оғайнилари Шайба бин Рабийъ, Утба бин Рабийъ, Уқба бин Аби Муайт, Умайй бин Ҳалаф ва яна икки киши Ҳижрда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг атрофида ўтиришарди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг саждаси узоқ давом этди.

Бунӣ кўриб, Абу Жаҳл “Шу риёкорни кўраёпсизми? Биттангиз бориб, фалон жойда кеча сўйилган туянинг ичак чавоғини олиб келсангиз-чи! Ким уни олиб келиб, Мухаммад саждага кетганида унинг елкасига кўяди?”, деб сўради.

У ердагиларнинг энг шаққоғи Уқба бин Абу Муайт ўрнидан туриб, “мен қиламан”, деб чопиб кетди.

Ишқамбани олиб келиб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг саждага кетишини кутди.

У саждага эгилганда, туянинг ичак чавоқларини Пайғамбаримизнинг икки кураги орасига ташлади. Ва ҳаммаси қаж-қаж отиб кула бошладилар.

Аммо Пайғамбаримиз бошини кўтармади, саждада давом этди.

Мен эса нима қилишимни билмай, қотиб туравердим. Ҳатто тилим тутилди. Мени кўрийдиган қавмим, қабилам йўқ эди...

Ниҳоят, бир киши кетиб, Фотимага хабар берди.

Фотима у пайтда кичик бир қиз эди. Чопиб келди. Расулulloҳ алайҳиссаломнинг устидан ичак чавоқларни олиб, четга улоқтирди. Бунӣ қилганларга оғир сўзлар сўйлади.

Мушриклар Фотимага қарши ҳеч нарса дея олмади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳар сафаргидай, саждадан бошини кўтариб, намозини тамомлади. Кейин Байтуллоҳга йўналиб, овозини юксалтирди. Ва орасида Абу Жаҳл, Умаййа бин Ҳалаф, Утба бин Рабийъ, Шайба бин Робийъ, Уқба бин Абу Муайтлар бўлган етти кишига баддуо этди.

Расулulloҳ алайҳиссалом уч қарра шундай деди:

“Эй, Аллоҳ, Куръайшни сенга ҳавола этдим,

Эй, Аллоҳ, Куръайшни сенга ҳавола этдим,

Эй, Аллоҳ, Куръайшни сенга ҳавола этдим!

(Давоми келгуси сонда)

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, аввалига Кўкон, сўнгра Марғилон бозорида фуқаролик кийимидаги МХХ ходимлари рўмолни томоғининг тагидан ўраб олган аёллардан рўмолларини ечишни талаб қилмоқда. Бу талабга кўнмаганларнинг бошидан рўмолини тортиб олиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Марғилон шаҳридаги Ипакчилик комбинати бозорида аёлларнинг бошидан томоқ тагигача ўралган рўмолларини ечтириш тадбири 22 апрель куни эрталабдан бошланган.

Бу ҳақда Озодликка ўз шахси маълум қилинмаслигини сўраган марғилонлик манба хабар берди:

“Бугун Марғилон шаҳар Ипакчилар комбинат бозорида ҳар бир рўмол ўраган аёлнинг бошидаги рўмолини бир аёл ечиб олаётти, кимки қаршилик қилса, орқасида ўнга яқин фуқаролик кийимидаги орган ходимлари рўмолини химоя қилган аёлларни қамаш билан, милиция бўлинмасига олиб кетиш билан дағдаға қилиб юришибди. Тушгача бозорда бирорга на ҳижобли, на рўмол ўраган аёл қолди”, деб ёзди Озодликка Марғилондаги воқеа гувоҳи.

Мавзуни ўрганиш жараёнида томоқ тагидан ўралган рўмолни ечтириш талаби нафақат Ипакчилик комбинати бозорида савдо қилаётган аёллар, балки харидорларга ҳам бирдек тааллуқли бўлгани аниқланди.

23 апрель куни бошидаги рўмолига тажовуз қилинган марғилонлик аёллардан бири бозорга харид учун тасодифан тушганини айтади:

“Бугун бозорлик қилганикомбинат олдидаги бозорга тушгандим. У ерда менга бир аёл бошимдан рўмолимни олиб ташлашни таклиф қилди. Мен сабабини сўрадим. У ҳозир диний оқимлар кўпайиб кетаётганини айтиб, сиз қайси диний оқимдансиз, деб сўради. Мен нега бундай деяпсиз, дейишимни биламан, унинг ортида турган милиция ходими менга дағдаға қилиб кетди. Қарасам яна 10 нафарга яқин фуқаро кийимидаги эркаклар мени кузатиб турибди. Милиция ходими менинг рўмолимни тортиб олаверди, мен қайта ўравердим. Кейин ҳали фуқаро кийимдагилар келиб мени рўмолини ечишга мажбурлайверишди. Кейин бозордан қочиб чиқиб кетдим”, дейди марғилонлик аёллардан бири.

Марғилон бозорида савдо қиладиган тадбиркорлардан бири бу воқеани ўз кўзи билан кўрганини айтар экан, рейд ўтказаетган гуруҳ йўлда кетаётган, савдо қиладиган

рўмолли аёлларни рўмолини ечишга ундаётганини айтди:

- Эркаклар йиғлапти ака, тўғри гап мен ҳам йиғладим. 50-60 ёшга кирган аёлларни ҳам бошидан рўмолни ечтираётганини кўрдим. Агар эркаклар қора дўппи кийиб юрса, 200 минг сўм штраф

солаёпти экан, деди марғилонлик тадбиркор.

Тадбиркорнинг айтишича, 10 апрель куни 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси 6-синф ўқувчисининг дарс пайтида жума намозига боришига рухсат бермаган ва бунинг ортидан ўқувчисининг тоғаси томонидан пичоқланган.

Ана шу воқеадан сўнг диндорларга нисбатан босим кучайиб кетди, дейди бу суҳбатдош:

“Ўша воқеадан сўнг, Тошкентдан таркибда юз нафардан ортиқ одам бор комиссия келган дейишяпти”, дейди бу тадбиркор.

Озодлик ҳозирча Фарғонага “Тошкентдан юз кишилик комиссия” келган-келмаганини, шундай гуруҳ келган бўлса, унинг қай мақсадда келгани ва айнан қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига қарашли эканини аниқлай олгани йўқ.

Озодлик суҳбатлашган фарғоналик бошқа бир манбага кўра, Марғилон шаҳрида истиқомат қилган икки йигитнинг ўз уй-жойини сотиб, оиласи билан Суриядаги жиҳодга кетиб қолгани ҳам, ўранган аёлларга нисбатан тазийк кучайишига сабаб бўлган.

Марғилонлик тадбиркорлардан бири, шаҳарда рўмолларини ҳижобга ўхшатиб ўраб олган аёлларнинг кўпайиб кетаётгани ҳуқуқатни рўмолини айнан шу шаклда ўраётган аёлларга қарши кескин чора қўллашга мажбурлаётган бўлишини тахмин қилади:

- Ҳалиги исломий давлатлардаги ўхшаб томоғини тагидан айлантириб ўраб олишадик, ўшанақаларни тартибга чақаришяпти. Узи жуда хунук кўринадида бу. Тўғри ўраб олинг, ёки ечиб олинг, дейишяпти. Лекин мажбурлаб ечиб олишганини кўрмадим. Фақат ёшларга айтишяпти, кекса аёлларга индашгани йўқ, дейди бу тадбиркор.

Марғилон шаҳар Ички ишлар бўлимининг ўзини таништирмаган



Яна рўмолга ҳужум

мулозими ҳамкасбларининг аёллар рўмолини мажбуран ечтираётгани ҳақидаги иддаоларни инкор қилди:

- Тўғри, бизнинг ходимлар ўша ерда бор. Уларнинг вазифаси тинчликни сақлаб туриш. Лекин рўмолларни ечтириш бўйича рейд бўлгани йўқ ва бизнинг ходимларимиз унда иштирок этгани ҳам йўқ, деди ички ишлар мулозими.

Озодликка етиб келган хабарларга кўра, бундан уч кун олдин Кўкон шаҳридаги бозорларда ҳам худди шундай рейд ўтказилган.

Озодликнинг Фарғона шаҳридаги манбасига кўра, вилоят бош имом хатиби барча отиноийларни йиғиб, “ИШИД фитнаси” номли мақола матнини уларга тарқатган ва бу мақолани ташвиқот қилишга ундаган. Озодлик суҳбатлашган фарғоналикларнинг айтишларича, вилоятда диндорларга нисбатан бўлаётган таъзиқлар давом этмоқда.

Озодликнинг Олтиариқ туманидаги манбасига кўра, душанба куни эрта тонгда Жўрак фуқаролар йиғинидан Азизхон, Ашуралӣ хамда Акбаржон исмли уч нафар диндор йигит ҳибсга олинган.

13 апрель куни Олтиариқ тумани Ҳамза шаҳарчасида “Ҳизбут Таҳрир” диний гуруҳига аъзоликда гумон қилиниб, 8 шахс ҳибсга олинган эди. Норасмий манбалар ҳибсдагилардан икки нафарининг тергов пайтидаги қийноқлардан сўнг оғир аҳволда шифохонага ётқизилганини иддао қилган эди.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судида “Ҳизбут Таҳрир” диний гуруҳига алоқадорликда айбланган, аксарияти олтиариқлик бўлган 13 киши устидан 6 апрель куни ҳукм ўқилди. Узоқ йиллик қамоққа ҳукм қилинган бу йигитлар ҳам 2014 йил август ойида “қора ниқобчилар” рейди воситасида ҳибсга олинган олтиариқлик диндорлардир.

Манба: ozodlik

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳар Ички ишлар бошқармаси мулозимлари мурдаларга қабр қазииш ишлариға мутасадди экан.

Бекобод шаҳар ИИБ ходимлари зиммасига гўрговликдек савобли “қасб”ни қай бир вазирлик юклаганини билмадигу, аммо, айна кунларда Бекобод милицияси мурдаларга лаҳад қазиб, майитга жаноза ўқиётгани ҳақиқат.

Эндигина умрининг йигирма олтинчи баҳорини қарши олаётган кенжа ўғлони Камолиддиннинг алп қоматини қабрга қўйган онаизор Зайнаб она Қўзиева шундай дея

Ўзбекистонда мурдани милиция дафн қилади...ми?

бўзлайди:

– Болагинамнинг бошига милисалар етди. Шу йилнинг 7 апрел куни соат 18.00 ларга яқин участка нозири Бахтиёр уйимизга келиб, “Сени Бекобод шаҳар ИИБ бошлиғи чакиртирмоқда” дея фарзандим Камолиддинни уйдан олиб чиқиб кетганди. Ўша куни ўғилгинамни ИИБга ўзим тўрт мучаси бут, соғ-саломат кузатгандим. Аммо ҳа деганда қайтавермади. Кечкурун “Камолиддинни паспортини келтиринглар” деган буйруқ келган экан. Ўрганчи акаси тунги соат 22.00 ларда унинг паспортини элтиб бериб, “Нима гап ўзи?” деб сўраган экан, милиция ходимлари “Бир жанжалга аралашиб қолган экан. Қалтақланганларни чакиртирамыз, агар улар “Камолиддинни танаймиз, даъвойимиз йўқ” дейишса, укангизни қўйиб юборамиз, ҳадемай уйингизга қайтади” деган жавоб қилишган. Аммо 9 апрел куни соат 17.00 ларда ИИБ ходимлари Камолиддинининг жасадини келтиришди.

– Эшик олдиға чиққанимизда Шаҳар ҳокимияти вакиллари, Шаҳар ИИБ ходимлари, Бекобод шаҳар Имом-Хатиби – Иброҳим, маҳалла оқсоқоллари укам Камолиддиннинг ўлигини “Тез ёрдам” машинасида келтиришганиға гувоҳ бўлдик. Биз шок ҳолатида эдик, – дейди марҳумнинг катта акаси Бобомурод Қўзиев.

Гувоҳларга кўра марҳум Камолиддин Қўзиевнинг юз қисми – қовоқ усти ёрилган, ўнг томон мия қисми то қулоғиға қадар қонталаш бўлиб қорайиб кетган. Суд тиббиёт экспертиза ходимлари томонидан жасадининг бўйин қисми, қорин қисмлари кесилган ҳолатда бўлган.

– Болам шўрлик бу дунёға келиб кун кўрмай кетгани етмаганидек, уни ҳатто охириги манзилиға ҳам

одамлардек кузатиб қўя олмадик, – дея қон қақшайди марҳумнинг онаизори, – Негаки, милисалар ўғлимнинг жасади олдида узоқ қолишга изин беришмади. Ҳатто майитни мурдашўйға ҳам ювдиришмади. Болагинамнинг мурдасини милисаларнинг ўзлари қўл учида ювган бўлишди, ўзлари қафанлашди. “Лоақал бир кеча уйида меҳмон бўлсин” дея бўзлашларимизға ҳам қулоқ тутишмади. Ўша куни ИИБ ходимларининг ўзлари қабристонға гўрковларни эмас, икки нафар нотаниш йигитни мажбурий тарзда олиб боришган ва “Ҳозир бу ерга

ўлик келади, қавлаларинг!” дея уларни қабр қазиишға мажбур этишган. “Келадиган ўликнинг орқасида одами, ҳеч кими йўқми? Бизнинг хизмат ҳақимизни берадиган ота-онаси, ака-укалари бордир?” дея гўр қавлаш малол келган йигитлар норози тўнғиллашган. Кўрганлар айтишди, ўша икки нотаниш ёш йигит гўрков бўлмаганликлари сабабли ҳам қабрни рисоладагидек қазий олишмаган, шунчаки ўра қазиб қўя қолишган экан. 9 апрел куни кеч соат 20.00 ларда, тун қоронғусида, фонарнинг милт этган ёригида Камолиддинини ички ишлар ходимларининг ўзи қабристонға элтиб, қўмиб юборишди. Биз камбағаллар шўрликлар қақшаб, кўзқисимизни тузлаб қолавердик. Қўлимиздан ҳеч нарса келмади.

Бир қушнинг ини бузилса, қанчалар чирқирайди. Ўзини тўрт томонға уриб, бўзлайди. Ҳали қаршимизда кўз ёшларини тия олмаётган аёл – одам-ку, она-ку....

Ҳеч замонда милиция ходимларининг мурдани қаристонға қўйиб қайтишганларини эшитганмисиз?

Тўғри, “Ўлим ҳақидаги гувоҳнома”да “марҳум ўзини ўзи осиб ўлдирган”лиги акс этган. ИИБ ходимларига кўра, “Камолиддин ИИБ ертўласида ўз жонига қасд қилган”миш... Бирок... Фикри ожизимизча, марҳумнинг қабрга қўйилиши билан боғлиқ юқоридаги ғаритабийий ходисотларнинг ўзиёқ 26 ёшли йигит ўз ажали билан ўлмаганлигидан, ўз жонига қасд қилмаганлигидан, аниқ кўриниб турган қотиллик юзберганлигидан далолат эмасми?

Яна ким томонидан?...

Милиция қўли билан қотиллик содир этилган бўлса-я? Наҳотки?

Инкор этадиган бўлсак, жавобсиз жумбоқли саволлар тинчлик

бермайди: “У ҳолда нега милиция майитни ота-она ихтиёриға топшириб, қайтиб қўя қолмади? Қўрқдими? Нимадан?”

Айнан ИИБ ходимларининг ўзлари гўрковлик қилиши, қабристонда гўр қазииши, ўзлари жасадини қўмишға ишқибоз бўлишлари – буларнинг бари нимадан далолат? “Бу қаби шубҳали ҳаракатларнинг бари қандайдир қабиҳ жиноятни ҳаспўшлашға ошиқиш эмасмикин?” деган қаби гумон ва тахминларнинг болалашига, илдииз отишиға изин бермасдан қолмайди...

Марҳумнинг волидаси Ички ишлар идораси ертўласидан уч кун ичида ўлиги чиққан соғ-саломат ўғли Камолиддиннинг қотиллик қурбони эканлигини айтиб Бекобод шаҳар прокуратуриға арз этиб борди.

Бирок прокурордан “Қаерға борсанг, боравер, ёзсанг, ёзавер, Худосига ёзган тақдирингда ҳам, шикоятинг барибир айланиб-айланиб ўзимнинг қўлимға келиб тушади!” дея айрилиқдан кўнгли пора бўлган онани қувиб солди.

Не ажабки, Қонун устивор бўлган Ўзбекистондек ажиб диёрда 61 ёшли Зайнаб Қўзиева мустақил мамлакатнинг мана-ман деган қонун идораларида – Бош прокуратура тизимларида, Миллий Хавфсизлик хизмати идораларида, Ички ишлар вазирлиги тасарруфида қорин тўйғизаётган, бола-чақа боқаётган юз минглаб нонхўр қонун ҳимоячилари турганида мустақил журналистларға, мустақил ҳуқуқ ҳимоячилариға нојот сўраб, адолат истаб мурожаат қилишға мажбур бўлди.

Негаки, қонун ҳимоячилари бўлган қорчолонларнинг бирортаси 26 ёшида ИИБ ертўласидан жасади чиққан ёшгина йигитнинг тақдири билан қизиқмади, жабирдийдалар охиға қулоқ тутай ҳам демади.

ИИБ ходимлари ўзларини оқлаш учун минг бир хил ваз қелтиришлари мумкиндир! Бирок, шу нарса ҳақиқат, бир нарса факти: Ўзбекистон қамоқхонасининг ертўласида уч кун ичида 26 ёшли соғлом йигит жон таслим қилди, ёшгина жон жисман йўқ этилди. Қотиллик рўй берди!

Бевақт хазон бўлган инсон умри бирор бир ҳуқумат қорчолонларини қизиқтирармикин?!

Барча ҳамқасбларимни ИИБ ертўласида умри бевақт хазон бўлган Камолиддин Қўзиевнинг ўлдирилиши билан боғлиқ жиноят юзасидан журналист суриштируви ўтказишға чақираман ва содир бўлган қотиллик жиноятини фош этилишида жонбозлик кўрсатишларини сўрайман.

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
мустақил журналист

Хорижга чиқиш визаси олиш учун қилган расмий мурожаатимга ИИБ расмийси бадавлат шахслардан бирини қамокқа олиш учун ҳозирланган сохта ишда қатнашиб, умримда кўрмаган бу одамга нисбатан кўрсатма беришни шарт қилиб қўйди”, дейди Озодликка мурожаат қилган ўзбекистонлик аёл. Ҳуқуқ фаоллари таъкидича, чиқиш визаси тизими фуқаролардан ҳар хил жиноий схемаларни амалга оширишда восита ўлароқ фойдаланиш



лекин чиқиш визаси йўқ. Эримнинг олдига кетаман десам, у мамлакатга чиқиш визаси бўлмаса қўймайди. Нима қилишимни билмай, қон бўлиб ўтирибман,- дейди Сайёра.

Ўзбекистонда камалиб чикқанлар, фоҳиша ва турли жиноятда айбланган ёки гумонланганлардан кучишлатар тизимидагилар қамашни режалаган одамларга қарши кўрсатма бериш ёки уларни қўлга олиш учун қўйилган тузоқларда

ЧИҚИШ ВИЗАСИ БЕРИШ УЧУН ҚЎЙИЛГАН ШАРТ – ТУҲМАТ БИЛАН БАРАВАРДИР

механизмига айланган.

Озодликка мурожаат қилган ўзбекистонлик аёл, қолаверса, у тилга олган расмийлар шахси ҳам Озодликка маълум бўлишига қарамай, манбанинг ўз хавфсизлиги борасидаги хавотирларидан келиб чиқиб, бу маълумот ошкор қилинмайди. (Қахрамонимизни шартли тарзда Сайёра деб атаемиз.)

Сайёра ўзининг ёшлиқда алданиб, Дубайга кетиб фоҳишалик қилганлардан эканини яширмайди. Дубайдан қайтгач, ўзи қилган бирга кетиб, айна ишни қилган танишлари берган кўрсатма асосида Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 135-моддаси – одам савдосида айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазо муддатининг биринчи йилини ўтар-ўтамас, амнистияга тушиб, озодликка чиқарилган. Хорижликка турмушга чикқани боис, озодликка чиқиши билан эрининг ёнига кетиш учун янги паспортга мурожаат қилган.

Ўтмиши оғир ва мураккаб бўлган Сайёранинг ҳаётидаги янги кўргуликлар, унинг ҳикоясига кўра, биометрик паспортга чиқиш визаси олиш учун ўзи яшовчи шаҳар ички ишлар бўлимига ҳужжат топширганидан сўнг бошланди.

– Паспортимни яхши олдим, беш кунда берди. Қийналган аёл экан, деб. Паспорт олганимдан кейин участкавой қақирди. Мен турмуш ўртоғим хорижлик экани, Ўзбекистондан чиқиб кетишим кераклигини тушунтирдим, ЗАГС қоғозларимни кўрсатдим. Ўзбекистонда мени ушлаб турадиган на ишим, на уй-жойим бор. Участкавой тушунди, надзорга қўймасдан, қаршилигим йўқ, деб ёзиб берди. Кейин ОВИРга

бордим. Ҳужжат топширгандан 10 кун ўтиб махсус суҳбат бўлар экан, суҳбатга кирдим. Кирсам, хонада ўзини вилоят Ички ишлар бошқармасининг Одам савдоси бўйича ходими ҳам бор экан, ўзини таништирмади. Шу одам билан гаплашдим. Очикдан-очик шарт қўйди – менга ишлайсиз, 135 бўйича битта хотиб бор, шуни ушлаб берасиз, деди. У аёл ресторанлари бор, ўзига тўқ хотин экан. Шуни ушлаб берасан, деди,- деб ҳикоя қилади Сайёра.

Суҳбатдошга кўра, вилоят ИИБ расмийси унга ишлаш қанақа бўлишини очик тушунтириб берган:

– Ресторанига борасан, опа мени Россияга ишга жўнатиб, дейсан. Унга нима қилиб бўлса ҳам, бўпти, Россияга юбораман, деган гапни айттирасан, шу гапни диктофонга ёзиб оласан, ўша менга етади, деди. Бу гапдан кейин нима қилишимни билмадим. Тошкентга Сайёра Рашидованинг идораси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – омбудсман – тахр.) га телефон қилдим. Келинг дейишди. Лекин одамлар уларга борсанг, паспортингни олиб, ўзингни қамаб қўяди, деб қўрқитгандан кейин бормадим. Прокуратура, МХХга бордим арз қилиб. Ҳаммаси яна ОВИРга жўнатди. ОВИР яна ўша ИИБдаги одамга юборди. У яна “давай ман айтган одам савдосини қилиб бер, икки кунда санга ОВИР бераман” деди,- дейди Сайёра.

Икки ой менга тинимсиз босим қилишганидан кейин, чидолмасдан, қўшни давлатга чиқиб кетдим. Ҳозир қўлимда паспортим бор,

восита сифатида фойдаланишнинг махсус механизми мавжуд,- дейди ҳуқуқ фаоли Абдурахмон Ташанов.

ОВИР тизими, айниқса, Ўзбекистонда урфга айланган одам савдосига қарши кураш, фуқароларни Жиноят Кодексининг 135-моддаси бўйича қамаш жараёнидаги фаол бўғинга айланган, дейди Абдурахмон Ташанов:

– Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича конвенциясини бажараяпти ва ҳар тўрт йилда БМТ учун даврий ҳисобот ҳозирланади. Шунинг учун одам савдоси бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил қилинган. Вазият жуда даҳшат. Булар қўлга олинган одам савдогарлари сонини кўпайтириш бўйича мусобақа ўйнаётими, билмайман. Мақсад, одам савдоси бўйича имкон қадар кўпроқ одамни қамашга ўхшайди. Одам савдоси бўйича битта шикоят тушса бўлди, кутула олмайсиз. ОВИР системаси ана шу жараённинг устида ўтирибди. Уларнинг ўз қурбонларини қўлга олишда фойдаланадиган объектлари жуда кўп. Бу Сайёра каби қамалганлар, фоҳишалар билангина тугамайди. Амалда улар исталган одамдан ана шундай сохта курашдаги восита сифатида фойдаланади,- дейди ҳуқуқ фаоли ва журналист Абдурахмон Ташанов.

Манба: ozodlik

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Замир Малик